

8. Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тартиби

56. Фуқаролар мурожаатлари, аризалари, шикоятлари бўйича ишлар Ўзбекистон Республикасининг 6.05.1994й. № 1064-ХП-сонли “Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида”ги қонунининг талабларига мувофиқ ташкил қилинади ва амалга оширилади.

57. Келиб тушадиган фуқаролар мурожаатларининг барчаси “ЎзРТХБ” АЖ марказлаштирилган ҳолда Умумий бўлимида рўйхатдан ўтади. (илова 8)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Аппарати, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан йўналтирилган фуқароларнинг мурожаатлари ўз индексларига эга ва у юкорида кўрсатилган муассасалар номларининг биринчи ҳарфларидан ва хужжатнинг тартибий рақамидан иборат бўлади.

58. “ЎзРТХБ” АЖ бошқарув раисига ёки ўринбосарига йўлланган мурожаатлар регламентга мувофиқ (илова 7) рўйхатдан ўтгандан сўнг ижроига йўналтирилади (тузилма бўлимига).

59. Фуқаро ўз мурожаатида исми, шарифи, отасининг исми, турар жойининг манзили, ариза ёки шикоятининг мазмунини кўрсатиши шарт, агар ушбу маълумотлар бўлмаса мурожаат аноним хисобланиб, кўриб чилимайди. Ўрнатилган тартибда йўналтирилган мурожаатлар кўриб чиқилиши шарт (9 ва 8-илова).

60. “ЎзРТХБ” АЖ ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича йўлланган мурожаатлар 5 кунлик муддатда, фуқарога билдирилган ҳолда, тегишли органлар ва мансабдор шахсларга йўналтирилади.

Агар мурожаатлар тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга йўллаш учун керакли маълумотни ўз ичига олмаган бўлса, ўша муддатда тегишли тушинтиришлар билан жавоб йўналтирилади.

61. Фуқаролар мурожаатини кўриб чиқиш жараёнида “ЎзРТХБ” АЖ ишчилари томонидан фуқароларнинг шахсий хаётлари тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ва давлат ёки қонун билан кўриқланадиган сирини ўз ичига олган маълумотлар, ҳамда фуқароларни қонуний ҳақлари ва манфаатларини чеклайдиган бошқа маълумотларни ошкора қилинишига йўл қўйилмайди. Бундан ташқари мурожаатга тегишли бўлмаган шахс тўғрисида маълумотларни аниқлаштирилиши ҳам йўл қўйилмайди.

62. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Аппарати, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси топшириғи бўйича фуқаролар мурожаатларига тайёрланган жавоблар хатнинг номери кўрсатилган ҳолда йўналтирилади.

Фуқароларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятлари журнаlda рўйхатга олгинган ҳолда оғзаки қабул қилиниши мумкин, шикоятчи билан қилинган сухбат, зарурият бўлса, қабул қилаётган шахс томонидан баённома тузилади, кўриб чиқилган ишнинг натижалари “ЎзРТХБ” АЖ бошқарувига баён қилинади.

63. “ЎзРТХБ” АЖ мансабдор шахслари фуқароларни қабул қилиш жадвали навбатчининг олдида жойлашган.

Илова 8

Тартиб рақами:		Савол
Аризачи:		
Манзил:		
Телефон:		
Келиб тушган сана:		Аризачилар сони
Мурожаат тури:		
Мурожаат шакли:		Вароқ
Аввал келиб тушган мурожаат рақами ва санаси:		
Бошқа ташкилотлардан келиб тушганлари:		
Назорат тури:		
Мурожаатнинг қисқача мазмуни:		
Бошлиқ:		
Тузилма бўлими:		
Бошлиқ буйруғи:		
Ижрочи:		
Бажариш муддати:		

Илова 9

Мурожаатни кўриб чиқиш

Йўналтирилган сана	Қаерга йўналтирилган	Жавоб хатнинг номери ва санаси
Муддатнинг узайтирилганлиги	Ким томонидан	
Жавоб хат келиб тушган санаси		
Кўриб чиқилган натижа тўғрисида қисқача		
Назроатдан ечилди	Бажарувчининг имзоси	
сана	сана	
Назорат нтижаси		
Бажаирлган санаси	Муддат бузилиши билан	